

## ТАЛАБАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ФЙДАЛАНИШ

*Ишанова Мухайёхон Мухторовна*

*Андижон давлат чет тиллари институти Ижтимоий гуманитар фанлар,  
педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада буюк ватандошиларимиз қомусий олимларнинг ахлоқ, одоб ватарбияга доир қарашлари тилга олинган. Уларнинг илмий мероси бугунги кунда ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларда тарбияни тартибга солишда муҳим манба эканлиги айtilган. Тарбияда ростгўйлик ва ёлғон тушунчаларининг ахамияти тахлил қилинган.

**Калит сўзлар:** инсон, тарбия, оила, ахлоқ, рост, ёлғон, таълим, ақл, маънавият.

**Аннотация:** В статье рассматриваются взгляды ученых-энциклопедистов наших великих соотечественников на нравственность, этикет и воспитание. Говорят, что их научное наследие является сегодня важным источником в формировании духовности молодежи, в регулировании ее воспитания. Анализируется значение понятий честность и обман в воспитании.

**Ключевые слова:** человек, воспитание, семья, нравственность, правда, ложь, образование, интеллект, духовность.

**Annotation:** The article discusses the views of encyclopedic scholars of our great compatriots on morality, etiquette and education. It is said that their scientific heritage is an important source in shaping the spirituality of young people today, in regulating their upbringing. The importance of the concepts of honesty and deception in education is analyzed.

**Keywords:** man, upbringing, family, morality, truth, falsehood, education, intellect, spirituality.

**Кириш (Introduction)** Шарқ Уйғониш даврининг буюк сиймолари Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Ҳомид Муҳаммад Ғазолий каби буюк алломаларимиз жаҳон маданияти илм фанига бетакрор хисса қўшган серқирра олимлардан эканлиги барчамизга маълум. Улар ўз даври илмининг деярли барча соҳалари билан шуғулланиб, дунё илм фанлари ривожда салмоқли из қолдирдилар.

Аниқроқ қилиб айтганда, бу беназир алломаларнинг бутун илмий фаолияти дунё таракқиётини инсонпарварлик руҳида, яъни маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди, деб айтишга ҳақлимиз. Бундай буюк алломаларимизнинг мерослари бугунги кунда тарбия-таълим билан бирга

инсон амалий фаолиятининг гултожи ҳисобланиши мақсадга мувофиқ. Негаки тарбия инсоният тарихининг барча босқичларида долзарб ҳисобланган. Ўз даврида фаол ва покиза ниятли кишилар тарбияни инсон учун эзгуликни шакллантирувчи зарурий омил деб тушунганлар. Хусусан, буюк файласуф Абу Али ибн Сино ўзининг фалсафий асарларида шахс бахт-саодати, унинг камолоти ҳамда ахлоққа, оила бахти иқтисодга, давлат равнақи сиёсатга боғлиқ эканлигини айтиб ўтганлар. Ахлоқ фани воситасида инсон ўз ҳолатини ўрганиб, келгусида бахтли ва фаровон яшашга интилади. Буюк олим ахлоқ категориясига яхшилик, донолик, сахийлик, азоб-уқубат тушунчаларини киритганлигини кўришимиз мумкин. Ибн Синонинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўз моҳиятига кўра камолотга интилади. Инсонни камолотга интилиши яхшиликдир. Чунки камолот нуқсонларни йўқотади. Зеро, нуқсонлар ёмонликни ҳосил қилувчидир. Яхшилик фаолликка, ёмонлик эсасусткашликка етаклайди. Ибн Синонинг фикрича, дунёда зарурий таркибий қисм сифатида адолатли гармония (мутаносиблик) мавжуд. “Ёмонлик ўша гармонияга зарурий таркибий қисм бўлиб киради. Ёмонликнинг бўлиши зарурий ва муқаррардир, чунки ҳамма жисмлар заруриятдан бир-бири билан боғлиқдир. Шунинг учун, – дейди у, – предметлар бир-бири билан қўшилганда (ёки унсурлар) бири иккинчисини йўқ қилиши бор гап”<sup>1</sup>.

Яхшилик ва ёмонликнисбий тушунчалардир. Улар бир-бирига ўтиб туради. Бирор муддатда яхшилик ҳисобланган нарса, бошқа пайт ёмонлик бўлиши мумкин. Табобатда афюн дорисининг оз миқдорда қўлланилиши инсонга фойдали бўлса, кўп миқдордагиси инсон учун зарардир. Таълим жараёни ҳам шундай: бир кунга бита гина предметнинг кўплаб соат ўқитилиши самараси паст, турли предметлардан биттадан кичик мавзунинг ўқитилиши самараси юқори бўлади. Тарбия ҳам Ибн Синода лаззат ва уқубат категориялари орқали тушунтирилган. Унинг фикрича, барча яхшиликларда лаззат мавжуд, ёмонликларда азоб-уқубат маълум даражада мавжуд. Демак, азоб-уқубат даяхшилик йўқ. Буюк олим тарбиява ахлоққа тўхталиб, улар- ни ҳиссий лаззат ва руҳий лаззат билан боғлайди. Руҳий лаззат олий бўлиб, бошқа лаззатлардан мақоми юқори ҳисобланади ва унинг мўътабарлигини ақл билан идрок қилса бўлади. Фақат кундалик тасаввурлар оғушида қолган инсонлар учун лаззат кўпроқ пултопиш, пўрим кийиниш, ширин таом ейиш, иморатнинг зўрига эгалик қилиш ва лавозимни

---

<sup>1</sup> Раҳимов С. Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. Тошкент: Ўқитувчи, 196736- б

эгаллашдир. Кимки руҳий камолни забт этибди, кейин эса хиссийлаззатҳамунингмулкигаайланиши мумкин

Ибн Сино фалсафасига кўра, ахлоқ ва тарбияда яхшилик ва ёмонлик, лаззат ва азоб-укубат бош ролни ўйнаганини бевосита такидлаб ўтади. Буюк олим тарбия устоз-шогирд йўли билан эгалланишини эътироф этади. Бу эса илм олиш йўли билан қўлга киритилади. “Китоб уш-шифо” асарида ахлоққа мойилликнинг зурриёдий илдизи борлигини инкор этмаган.

Инсон аввал руҳий камолотга эришиб, унданкейин хиссий лаззатларга берилиши мумкин. Кўплаб инсонларда, айниқса, ёшларда аввал хиссий лаззат ортидан кетилади. Руҳоний лаззатларга эса улар қариялик, мўйсафидлик давридагина бериладилар. Фақат хиссий лаззат ортидан кетиб умрини яқунлаётганлар жуда кўпчиликни ташкил этади.

Ибн Сино таълимотида инсон ахлоҳида муҳимсаналганхислат–инсонлараро адолатдир. Адолат руҳий лаззатнинг асосий ўлчови бўлиб, жидду-жаҳд, кўркмаслик, донолик кабилар билан бирга пайдо бўлади. Кимда ўша хислатлар мавжуд бўлса, ёмон ишларданўзини сақлай олади, яхшиликни ўзидасақлаб, руҳийл аззат олади<sup>2</sup>.

Ибн Синонинг “Бош муаллимнинг ахлоқи” номли рисоласида инсон арбияли бўлиши учунтоқатли, бирсўзли, доноваадолатни севувчи бўлиши керак, деган фикрни билдирган. У тоқатни инсоннинг хиссий қуввати билан, доноликни тафовут қуввати билан, адолатни барча қувватлар билан боғлиқликда деб тушунади. Буюк файласуфнинг яна бир хулосаси ижой ахлоқий категория сифатида сахийлик, чидамлилик, камтарлик, муҳаббатлилик, мўътадиллик, ақллилик, эҳтиёткорлик, қатъиятлилик, интилувчанлик, садоқатлилик, ҳаёлилик, сидқидилликларни тушунишиэди. Учидамлилик, саховат ва мўътадилликни хиссий билиш билан боғлайди. Эҳтиёткорлик, зийраклик, садоқат, уятчанлик, ижрочилик, софдиллик ва раҳмдилликларни тафовут қувватига киритади. Қаноат хиссий фазилат сифатида инсонни очкўзликдан ҳимоя қилади. Уни барча ҳаракатлари мўътадиллик доирасида бўлгани яхши, шунда у ўз ҳирсини енга олади.

Алломанинг фикрига кўра, мўътадиллик тана учун керакли озуқа ва хулқ-одоб меъёрларига тўғри келмайдиган ишларни қилмасликдир. Сахийлик эса ёрдамга муҳтож бўлган кишиларга мурувват кўрсатувчи инсоний истакдир.

Ибн Синобуюк файласуф сифатида фан тарихида Арасту, Афлотун,

---

<sup>2</sup> Раҳимов С. Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. Тошкент: Ўқитувчи, 196781- б

Форобийдан кейинги ўринни эгаллайди. Ибн Синонинг фалсафий қарашлари, айниқса, тарбия ҳақида, фанлар таснифи ҳақида, билиш ҳақидаги қарашлари Форобий мероси, Арастунинг, Афлотуннинг асарлари таъсирида шаклланди. У моддий борлиқни тўртунсурдан: ҳаво, сув, оловватупрокдан ташкилтопишига ишонди. Уларнинг маҳсулотида бирикувидан мурқаб нарсалар пайдо бўлади. Мурқаб нарсалар турли шаклларда намоён бўлади<sup>3</sup>. Лекин барча нарсалар асоси бўлган элемент ўзгармайди, сақланади.

Ибн Синоинсон ва унинг моҳиятини баён қилиб, жамият ҳам, инсон ҳам ўзгаришда деб билади. Тарбия ҳақида Ибн Синонинг “аввал инсон ўз руҳининг тарбияси ҳақида қайғуриши керак”, деб ёзган эди. Сабаби тарбия руҳни ўзгартирмас экан, бундай тарбия инсонга хизмат қилмайди. Буюк олим ўзининг “Ақсом ул-улум ул ақия”, яъни “Ақлий билимлар таснифи” деб номланган китобида мантиқдан ташқари барча фанларга изоҳ берган. Тарбия, ахлоқ тўғрисидаги билимларни у амалий фанлар сирасига киритган<sup>4</sup>.

Кўриниб турибдики, барча даврларда ёшлар тарбияси доимо долзарб вазифа бўлиб келган. Зеро, тарбияли ва билимли ёшлар эл-юртга, мамлакатларга муносиб фуқаролар сифатида эътироф этилган.

Марказий Осиёдан чиққан ва жаҳон эътирофига сазовор алломалар ичида Абу Али ибн Синонинг ўзига хос ўрни бор. Тарбия тўғрисидаги Ибн Синонинг қарашлари халқимизга ёд бўлиб кетган “ота-она фарзандига тарбияданда улуғроқ нарса бера олмайди” дейилган ҳадис билан ҳамоҳангдир.

Тарбия ёки гўзал ахлоқ ҳақида яна бир буюк қомусий билим соҳибиди, ўрта аср фан океанида бўртиб чиққан қоя (немис олими Э. Захау таърифи) ва фан осмонида тенги йўқ юлдуз Абу Райҳон Беруний ўлмас фикрлар ва хулосаларни қолдирган.

Унинг таълим ва тарбия ҳақида билдирган мероси билан танишган инсон уни тенги йўқ педагог деб баҳолайди, фалсафий мероси эса ўз даври файласуфларини лол қолдирган эди. Унинг физикага, минералогияга, этнографияга, эстетикага, математикага қўшган ҳиссаси билан анишган одам унга юксак баҳо бермаслиги мумкин эмас.

Масалан, оилавий тарбия ҳақида Беруний ибратли фикрларни берган. Отава она нафақат оиланинг устунлари, балки бир-бирининг энг яқин ёрдамчиларидир. Улар болалар тарбиясидаги икки устун, барча ишларда бир-бирига маслаҳатчи ва

<sup>3</sup>Раҳимов С. Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. 6-7.

<sup>4</sup>И. Мўминов. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 1971. – 58-59-б.

ижрочиларидир. Хотин-қизлар тарбиясига тўхталиб, унинг назарида хотин билимли, жасур, яъни қийинчиликларни эр билан баб-баравар енгувчи, шарм-хаёли, эрни бошига кўтарувчи, бола тарбияси ҳақида қайгурувчи, эзма ва нодон бўлмаслиги, камтар ва фаросат соҳиби, эрига садоқатли ёрдамчи, уй-рўзғор ишларини аъло бажарувчи, ўзи ҳам, либоси ҳам, яшаш жойи ҳам тоза бўлувчи инсон деб ёзган. Минералогияга бағишланган машҳур асарида оталарнинг турмушга узатилаётган қизларига берган фойдали маслаҳатларини келтирган. Олим фикрича, онанинг ҳомиладорлик пайтида оилавий муҳит гўзал бўлса, фарзанд ҳам гўзалбўлиб туғилади. Соғлом бола туғилиши учун ота-онасоғломлиги муҳит гўзаллиги билан тўлабўлади. Беруний фикрича, панд-насиҳатнинг ўта кўплиги иллат, ўз жойида ва етарлилиги шифобахшдир. Эрни тинмай рашк қилавериш ажралиб кетишнинг калитидир, гина қилавериш эса нафратни уйғотади. Эр билан доим хушмуомалада бўлиш ҳар қандай сеҳр-жодудан яхшидир. Сув билан доимо покланиб туриш хушбўй нарсаларнинг биринчисидир. Панд-насиҳатни ўзида камчилик ва нуқсонлардан холи одам қилса яхшидир. Айни шундай одам бошқаларга камчиликларини тугатишга ёрдам бериши мумкин.

Буюк олим руҳшуносликдан ҳам чуқур билим соҳиби эди. У инсон ахлоқини доимо муътадилҳолатда сақлаган маъқул дейди. Бунинг учун инсонни кўрқидан, ғазабланишдан, хафа бўлишдан, уйқусизликдан сақлаш керак. Инсонга зиёнсиз нарсаларни топиб бериш ва фойдали ўйинчоқларни ўйнашига ёрдамлашиш керак. Тарбияда ўта қаттиқ “темиринтизм” ҳам зиён келтиради. Кўпроқ тушунтириш, нима яхши ва нима ёмонлигини уқтириб бориш самара беради. Натижада инсон яхши хулқли бўлиб боришига йўл очилади. Баъзан мижоз бузилишларидан инсонда ёмон хулқлар, одатлар шаклланиши мумкин. Оиладаги носоғлом муҳит бошқа оилаларга таъсир қилади. Чунки турли хонадондан болалар кўчага чиққанларида биридан иккинчисига бадхулқлик, ёмонахлоқ ўтади. Ёмон хулқ одатга кириб қоладида, мижоз бузилишига сабаб бўлади. Беруний таъкидлайдики, ғазаб асабларни қиздиради, қайғу эса инсонни оздиради, қатъиятсизлик нафсоний қувватни фалажҳолатга олиб келади. Хулқнинг муътадиллиги сабабли инсон аъзолари соғлом бўлади.

Берунийнинг тарбия ҳақидаги хулосалари ўз даври учун ўта аҳамиятли эди. Уни буюк педагог, буюк тарбия илмининг билимдони дейишга ҳақлимиз. Беруний фикрича, бахтли оилада тўғри тарбия ҳукмрон бўлади. Ташқи гўзаллик ўткинчи, ботиний гўзаллик эса инсонни улуғлик мақомида бир маромда ушлаб туради. Оилавий бахт-саодатнинг калити барча аъзоларга берилган тўғри тарбиядир. Беруний тарбияда ҳалол ва ҳаромнинг ўрни катта деб уқтиради.

Шунингдек, у тозалик ва поклик ҳақида гапириб, кишининг ташқи кўриниши, либоснинг тозалиги, бадани поклигидан ташқари у ички дунёси, ахлоқий-маънавий қиёфаси пок ҳамда виждонли бўлиши зарур, деб тушунтиради.

Беруний ростгўйлик ва ёлғончилик ҳақида ҳам қимматли фикрларни берган. Рост сўзлаш ахлоқий сифатнинг энг баланд даражаларидан биридир. Ёлғончилик тубанликдан бошқа нарса эмас. Бу соҳада олимларнинг ўзлари намуна бўлиши керак. Ҳақиқатпарвар, рост сўзловчи, тўғри сўз, дили пок одамларни Беруний фахр билан эътироф этади. Ёлғонга лаққа тушувчи ҳам, ёлғон сўзловчи ҳам фақат нафратга лойиқ, дейди Беруний. “Ҳиндистон” асарида Беруний болаликдаги Омонулла исмли ёлғон сўзловчи дўсти ҳақидаги ҳикояни ҳам келтиради, китобнинг кейинги таҳририда эса унинг номини ўчириб ташлайди. Ундан бунинг сабабини сўраганларга “Ёлғончиларнинг исми китобда зикр қилинишига лойиқ эмас” деб жавоб берган<sup>5</sup>.

Беруний тарбия, таълим, давлат бошқаруви ва жамоат олдида ёлғон ишла тилишига қарши бўлган. У ёлғон ишлатувчиларни турли тоифаларга бўлган: билмасдан ёлғон ишлатувчилар; айтадиган гапи ёлғонлигини билиб ёлғонгапирувчилар; бировларга яхши кўриниш учун ёлғон ишлатувчилар; ёлғонни ўз мартабасини кўтариш учун ишлатувчилар; хушомад ва ёлғоннибойликорттириш учун ишлатувчилар; бировга ўзини яқин кўрсатиш учун ишлатувчилар; ёлғонни ишлатиш орқали жинояти учун жавобгарликдан қутилишга интиладиганлар; кишилар ўртасида низо чиқариш учун ёлғондан фойдаланувчилар. Ушбу инсонларкаттахатоқилувчилардир. Ҳадисларда “Ёлғончи менинг умматим эмас” дейилган. Ёлғончилик адолатдан юз ўгиртиради, ёлғон гувоҳлик берувчи эса оғир гуноҳга ботади. Омонатга хиёнат қилувчи яхши хулқларни кишиларга яхши қилиб кўрсатади. Икки оламда ўзини тийиш керак. Ростгўйлигини ширинлигини тотган кишини ёлғончини ўзи ҳам мақтайди. Инсон тўғри ва ҳақиқатни душмани олдида ҳамбошэгмасликка, тўғрилиқ томонда қолишликка даъват этади. Беруний подшолар олдида ҳам рост сўзлашда унинг савлатидан кўрқмасликни айтади. Подшофақат жасадингизга ҳукмрон, аммо виждонингизга сизнинг ўзингиз ҳукмронсиз. Тўғрилиқ олдида виждонингиз пок, қалбингиз хотиржамдир. Хотиржамлиги ва адолат, кишининг нафсонияти ва икки дунё саодати муҳим. Ушбу сифатлар ҳақиқий олимнинг сифатидир.

Беруний ҳаётининг сўнгги кунларидаёзганэди: “Биргина истагим учун узоқ яшашим керак эдики, қўлимдаги нотаом асарларни тамомлаш ва оққа

---

<sup>5</sup>Беруний . Танланган асарлар. Т.1. – Тошкент: Фан, 1965. – 149 б.

кўчира олмай қолганларини кўчириш керак эди”. Унингча, ўтмиш мутафаккирлар билан ғурурланиш яхши, лекинкишинингўзиилм ўрганмаслиги, маънавий юксалмаслиги яхши эмас. “Кимда-ким ўзўтмиш авлодлари билан ғурурланса, ўша авлодлар тирик, унинг ўзиэсаўликдир... агаркиши ўзини ўзи юксакликка кўтармаса, улуғларнинг суяклари унга ғурурга сабаб бўла олмай- ди”<sup>6</sup>. Беруний билим ва касбга ўргатиш оиланинг диққат марказида бўлишига ижобий, бепарво ташлаб қўйилишига салбий баҳо берган. Бахт-саодат меҳнат билан қўлга киритилади. Ҳаракатсиз ва ландовур одам ҳеч қачон бахтли бўлаолмайди. Ҳунар ва ундаги ворислик авж олган юрт обод юртдир.

Шарқ мутафаккирларининг маънавий тарбияга оид қарашлари мазмундаги тадқиқотларни Уйғониш даврида яшаган бошқа олимлар ҳам олиб борганлар. Жумладан, шарқ фалсафасининг этук мутафаккирларидан Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий "Кимиёи саодат" асарида шу ҳақда бундай ёзади:

"Билгилки, Ҳақ таоло Одамни ўйнамоқ ва кулмоқ ва эмок-ичмоқ учун яратмабдур. Балки Одамнинг яралишида улуғ ҳикматлар бордурки, ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўзини танитмоқ учун яратибдур ва (Ҳақни танишда) маърифат йўлининг улуғ хатарлари бордур. Агарчи одам азалий эрмасдир, лекин абадийдур, қиёмат куни қайта тирилгандин кейин одамнинг вужуди шаҳристониға ўлим лашкари йўл топмас, абадул абад вужуд шаҳри маъмур бўлиб, мўминлар (иймонлилар) биҳишт неъматидин масрур (роҳатда) ва куффор дўзах ўтидин мажрур (азобда) бўлғайлар".

Муҳаммад Ғаззолий инсон вужуди одамни тубан ишларга бошловчи ҳайвоний истакларга тўла, ноқис эканлигини, аммо инсон руҳи Арши аълодан берилгани учун қудратли эканлигини тушунтиради.

Лекин инсон руҳи бу дунёнинг ўткинчи хою-ҳавасларига берилиб, ҳайвоний истакларнинг қули бўлиб қолса, ундай руҳ ифлосланиб, лойқаланиб, ҳақиқатни равшан акс эттиролмай қолади. "Агарчи,- дейди Ғаззолий,- Ҳақ таоло одам вужудини паст ва безътибор қилибдур (аслида инсон вужуди, ҳам физиологик фаолиятлари жиҳатидан мукаммал қилиб яратилган, лекин мутафаккир вужуднинг тез қариши, касалланиш жиҳатдан ожизлигини кўзда туттади, аммо руҳ шаҳбози (лочини) ҳазрати парвардигор даргоҳидан келгандир. Агарчи руҳ гавҳари бу тийра тупроқни (яъни, тупроқдан бўлган баданни) макон қилмоқ бирла чаҳорпой, дарранда ва шайтон сифатлари бирла

---

<sup>6</sup> Бируни А.Р. Собрание сведений для познания драгоценностей: Минералогия. – Москва: Издательство Академии Наук 1963

олойиш топиб (аралашиб ва ифлосланиб) вобаста бўлибдур, вақтики риёзат-машаққатлар бўтасига тушиб, бу олойиш ғаш -қудуратидин пок бўлса, хазрати Ҳақ таоло раҳмати ва ҳамсоғалигига шойиста бўлғувсидирки, асфаласофилиндан то аълои уллийингача ҳамма баландлар (юксакликлар) унинг сайргоҳидир” .

Алломаларфикрича Ақл инсонга жуда катта куч-қудрат беради. Жуда кўп, турли соҳалардаги илмлар ҳақида билимларни ҳосил қилиш ана шу куч-қудрат сабабдир. Форобий эслатганидек, ақлдан, билимлардан яхши ишларда ҳамфойдаланиш мумкин. Ақлни фақат яхши ишларга сарфловчи одамни ақлли, оқил, дейиш мумкин. Ибн Синога ҳам маънавий устоз бўлган Форобий ( Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Арастунинг "Метафизика" асарини ўттиз марта ўқиб тушунмаганини, Форобийнинг шарҳини ўқигандан сўнг яхши тушунганлигини эслайлик) кимни ақлли, оқил дейиш мумкин?- деган саволга бундай жавоб беради:

"Ақлли деб шундай кишига айтамызки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилати (фозиллиги) ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортиш (тийиш)га қаратган бўлмоғи лозим..."

Лекин, афсуски, баъзи одамлар ўз ақли, қобилиятларини алдов, хийла, найранг, ёмонлик учун, яхшиларга зарар келтириш ва ёвузларга қирғин қуролларини ясаб бериш учун сарфлайдилар. "Ёмон ишларни ўйлаб топишда зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайдими,- дейди Форобий,уларни “айёр, “алдоқчи” деган номлар билан атамоқ лозим”. Бинобарин, Ақл олам сирларини, табиат қонуниятларини, жамият тараққиёти ва инсон камолоти учун зарур бўлган илм-фанларга доир билимларни ўрганишга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Раҳимов С. Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – 77 б.
2. И.Мўминов.–Тошкент:Ўзбексоветэнциклопедияси, 1971. – 58-59-б.
3. Беруний А.Р. Танланган асарлар. Т.1. – Тошкент: Фан, 1965.
4. Бируни.Собрание сведений для познания драгоценностей:Минералогия. –Москва:Из- дателство Академии Наук 1963
5. Ishanova, M. (2023). ISSUES OF HARMONIZATION OF NATIONAL AND PUBLIC VALUES IN THE PROCESS OF STUDENT EDUCATION. В INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 267–270). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10147982>



6. Mamadaliev, M. (2023). PHILOSOPHICAL KNOWLEDGE AS A FACTOR LEADING MAN TO TRUTH AND GOODNESS. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 156–159). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10113191>
7. Umarovich M. M. THE IMPORTANCE OF COOPERATION BETWEEN EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILIES ON THE BASIS OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF OUR ANCESTORS IN THE FORMATION OF YOUTH SPIRITUALITY //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 4. – С. 157-163.
8. Mamadaliev Muzaffar Umarovich. (2022). IN FORMING THE SPIRIT OF YOUTH PHILOSOPHICAL WORLDWIDE AND THE SCIENTIFIC SIGNIFICANCE OF OUR NATIONAL SPIRITUAL HERITAGE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(4), 338–342. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/SKJ6E>
9. Mamadaliev, M. (2023). PHILOSOPHICAL KNOWLEDGE AS A FACTOR LEADING MAN TO TRUTH AND GOODNESS. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 156–159). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10113191>
10. Artikov, T. A., & Mamadaliyev, M. U. (2023). ABU RAYKHAN BERUNI'S VIEWS ON EDUCATION. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 481–484). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10220673>
11. Umarovich, Mamadaliev. (2020). PHILOSOPHICAL KNOWLEDGE IS THE METHODOLOGICAL REGULATOR FOR THE DEVELOPMENT OF ALL DISCIPLINES. *EPRA International Journal of Research & Development (IJRD)*. 197-198. 10.36713/epra4105. The article depicts the nature of philosophic knowledge, their difference from the knowledge received from other subjects and its role in the process of formation of spiritually developed person. KEY WORDS: Philosophical knowledge, natural knowledge, mysteries of the world, living education, intellectual eagerness, thinking absolutely, logical thinking, daily (ordinary) education (knowledge).
12. M.U.Mamadaliyev. (2024). Сотрудничество образовательных учреждений и семьи в формировании духовности молодежи. *Международный журнал формального образования*, 3(2), 28-33. Извлечено из <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2054>
13. Tokhtasunova, G. A. (2023). CHILDHOOD AS A SOCIAL PHENOMENON. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE

AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 485–488). Zenodo.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10220726>

14. Tokhtasunova, G. A. (2023). CHILDHOOD AS A SOCIO-PHILSOPHICAL PROBLEM. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 271–277). Zenodo.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10148006>

15. Tokhtasunova, G. (2023). SOCIALIZATION OF CHILDREN IN MODERN SOCIETY. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 12, сс. 81–84). Zenodo.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10351537>